

“МЕРОСГА БЎЛГАН ҲУҚУҚ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Нишонова Нигора Толибовна

Фуқаролик ишлари буйича Фарғона туманлараро суди судьяси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада меросга бўлган ҳуқуқнинг ҳуқуқий табиати, тушунчаси ва моҳияти фуқаролик ҳуқуқи институти сифатида комплекс таҳлил қилинади. Меросга бўлган ҳуқуқнинг субъектив ҳуқуқ сифатидаги ўрни, унинг мулкӣ ҳуқуқлар тизимида тутган ўрни ҳамда ворислик муносабатларидаги аҳамияти очиб берилади. Шунингдек, меросга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши, амалга оширилиши ва ҳимоя қилинишига оид назарий ёндашувлар, қонунчиликда мавжуд муаммолар ҳамда замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларда ушбу ҳуқуқ институтининг трансформацияси масалалари ёритилади. Муаллиф меросга бўлган ҳуқуқни шахснинг мулкӣ манфаатларини таъминловчи муҳим ҳуқуқий кафолат сифатида баҳолайди ҳамда уни такомиллаштириш заруратини асослайди.

Калит сўзлар: мерос ҳуқуқи, меросга бўлган ҳуқуқ, ворислик, субъектив мулкӣ ҳуқуқ, мерос қолдирувчи, меросхўр, мерос очилиши, фуқаролик ҳуқуқи

АННОТАЦИЯ

В статье проводится комплексный анализ понятия и сущности права на наследование как одного из ключевых институтов гражданского права. Рассматривается правовая природа права на наследство, его место в системе субъективных имущественных прав, а также значение в механизме преемства имущества после смерти наследодателя. Особое внимание уделяется основаниям возникновения, реализации и защиты права на наследование, а также проблемным аспектам его правового регулирования в условиях современных социально-экономических изменений. Обосновывается вывод о необходимости дальнейшего развития и адаптации института наследственного права к новым реалиям общественных отношений.

Ключевые слова: наследственное право, право на наследование, наследство, наследодатель, наследник, имущественные права, преемство, гражданское право

ABSTRACT

The article provides a comprehensive analysis of the concept and essence of the right to inheritance as a fundamental institution of civil law. The legal nature of the right to inherit, its place within the system of subjective property rights, and its role

in the transfer of property upon the death of the decedent are examined. Particular attention is paid to the grounds for the emergence, exercise, and protection of inheritance rights, as well as to existing challenges in their legal regulation under contemporary socio-economic conditions. The author substantiates the need for further development and modernization of inheritance law in response to evolving social relations.

Keywords: inheritance law, right to inheritance, inheritance, decedent, heir, property rights, succession, civil law

КИРИШ

Ворислик ва меросга бўлган ҳуқуқ масалалари амалдаги қонунчиликда вафот этган шахсга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг меросхўрларга ўтишига оид қоидалар сифатида белгиланган. Бунда ворислик деганда вафот этган шахсга тегишли бўлган мол-мулк (мерос, мерос мол-мулки)нинг бошқа шахсларга универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтиши англашилади, яъни бу мол-мулк ўзгаришсиз ҳолда, ягона бутунлик сифатида ва бир вақтнинг ўзида ўтади, агар Кодекс қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса.

Мазкур таърифни таҳлил қилиш орқали ворисликни ҳуқуқий категория сифатида тавсифловчи қатор асосий белгиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, ворислик ҳуқуқий мерос ўтишининг бир тури ҳисобланади. Бу эса қонун чиқарувчининг фуқаролик муомаласининг барқарорлиги ва узлуксизлигини таъминлаш заруриятидан келиб чиққан ҳолда, муайян жисмоний шахс иштирокида шаклланган мулкий муносабатларни унинг вафотидан кейин ҳам сақлаб қолишни мақсад қилганини англатади. Акс ҳолда, агар шахснинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ўлими билан бутунлай тугаши мумкин деб тан олинса, унга тегишли бўлган ашёлар эгасиз қолиб кетади, у иштирок этган барча шартномалар эса, муносабат иштирокчиларининг иродасига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, бекор бўлади. Бундай ҳолат фуқаролик муомаласининг издан чиқишига олиб келиши шубҳасиз.

Меросхўрликни ҳуқуқий ворислик сифатида баҳолаш, шунингдек, мазкур муносабатларда бир субъект – ҳуқуқий олдинги эга (мерос қолдирувчи) ўрнини бошқа субъект – ҳуқуқий ворис (меросхўр) эгаллашини англатади. Бу борада Р.Мухаммедов ўз вақтида шундай ёзган эди: “шахс ўз ҳаёти давомида иштирок этган ҳуқуқий муносабатлар унинг ўлими билан тугамайди, балки янги шахсга ўтади; ушбу янги шахс мархумнинг ҳуқуқий муносабатларда тутган ўрнига қараб, фаол ёки пассив субъект сифатида иштирок этади; у мулк ҳуқуқи,

сервитутлар, гаров, талаб ҳуқуқларининг соҳиби бўлади ва марҳумнинг барча қарзлари бўйича мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади”¹. Мерос қолдиришнинг моҳиятини шунга ўхшаш тарзда бир қатор ҳуқуқшунослар – Ш.Ш.Шомухаммедова², Ф.Курганова³, М.Ф.Шодмановалар⁴ ҳам изоҳлаганлар.

Аввалги қонунчиликда мерос қолдириш тушунчасининг қонун даражасида аниқ таърифи мавжуд бўлмаган бўлса-да, ўша давр фуқаролик ҳуқуқи илмий доктринаси ҳам, асосан, мерос орқали мол-мулк ўтишининг ҳуқуқий табиатига нисбатан шу каби ёндашувни қўллаб-қувватлаган⁵.

Иккинчидан, мерос қолдириш универсал ҳуқуқий ворисликдир. Қонун чиқарувчи бу хусусиятни фақат қайд этиш билан чекланмай, унинг асосий белгиларини ҳам очиқ беради. Биринчидан, марҳумга тегишли бўлган мол-мулк меросхўрларга ягона бутунлик сифатида ўтади: мероснинг муайян қисмини қабул қилиш, меросхўр учун унга тегишли улуш доирасида бутун меросни қабул қилишни англатади. Бунда меросхўрнинг мерос таркиби ҳақида хабардор ёки хабардор эмаслиги аҳамият касб этмайди. Агар мерос қабул қилинганидан кейин аввал маълум бўлмаган бошқа мол-мулк аниқланса, уни алоҳида равишда қайта қабул қилиш талаб этилмайди. Бу ҳолат суд ва нотариал амалиётда ҳам ўз тасдиғини топган. Масалан, М. Ангрен шаҳри давлат солиқ инспекциясига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, қуйидагиларни кўрсатган. Унинг отаси 2013 йил 6 январда вафот этган бўлиб, у қолдирган васиятнома асосида М. автомашинадан иборат мол-мулкнинг меросхўри ҳисобланади. Даъвогар меросни қабул қилиш учун белгиланган муддатни ўтказиб юборганини қайд этган ҳолда, суддан автомашинага нисбатан мулк ҳуқуқини ўзига тан олишни сўраган. Иш материалларидан маълум бўлишича, 2014 йил 5 август куни даъвогар нотариал идорадан марҳум отасидан қолган облигациялар бўйича мерос ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олган. ФИБ Ангрен шаҳар судининг 2020 йил 15 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, М.нинг талаблари қаноатлантирилган: суд унинг меросни қабул қилгани фактини аниқлаган ҳамда автомашинага нисбатан мулк ҳуқуқини унга тан олган. Юқори инстанция судининг фикрига кўра, мазкур вазиятда даъвогарга меросни қабул қилганлик фактини суд тартибида белгилаш зарур бўлмаган, чунки у аллақачон мероснинг

¹ Мухаммедов Р. Мерос ҳуқуқ. – Тошкент: 1997. – 12 б.

² Шомухамедова З.Ш. Проблемы развития наследственного законодательства Республики Узбекистан: теория и практика: автореф. дис. ... док. юрид. наук. – Ташкент: 2011. – 14 с.

³ Курганова Ф.А. Гражданско-правовые режимы наследования по законодательству Республики Узбекистан: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: 2007. – 16 с.

⁴ Шодманова М.Ф. Меросни эгаллашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: юрид. фан. фалс. док (PhD). дис. ... автореф. – Тошкент: 2025. – 11 б.

⁵ Yuldashev J.I. Vorislik va oila huquqi. Darslik. yuridik fanlar doktori, professor O. Oqyulovning umumiy tahriri ostida. – T.: TDYUI nashriyoti, 2024. – 12 b.

бир қисмини – облигацияларни – қабул қилган ва бу ҳолат нотариал тартибда тасдиқланган. Шу боис, автомашина бўйича мерос ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олиш учун М.га нотариусга мурожаат қилишнинг ўзи етарли бўлган.

Мерос мол-мулкининг яхлитлиги шу билан ҳам намоён бўладики, унинг таркибига нафақат марҳумга тегишли бўлган ҳуқуқлар (актив), балки унинг зиммасида бўлган мажбуриятлар (пассив) ҳам киради. Зеро, барча тадбиркорлик муносабатлари иштирокчиларнинг кредит қобилятига асосланади ва агар бу қобилят контрагентнинг ўлими каби тасодифий ҳолат билан йўққа чиқиши мумкин бўлса, фуқаролик муомаласи мутлақо барқарор бўлмай қолар эди. Шу боис, фуқаролик муомаласи қарзларни мол-мулк билан боғлашни, яъни марҳумнинг мол-мулкни қабул қилган шахс унинг қарзлари учун ҳам жавобгар бўлишини талаб қилади. Натижада, мерос қолдириш универсал ворислик характериға эга бўлиб, мерос массаси алоҳида-алоҳида объектлар йиғиндиси эмас, балки актив ва пассив ўзаро уйғунлашган ягона ҳуқуқий бутунлик сифатида, олдиндан белгиланган шахсларға – меросхўрларға ўтади⁶.

Учинчидан, универсал ҳуқуқий ворислик мерос мол-мулкининг ўзгаришсиз ҳолда ўтиши билан таъминланади. Яъни мерос очилган пайтда мавжуд бўлган таркиб, ҳажм ва қиймат қандай бўлса, шу ҳолича меросхўрларға ўтади. Хусусан, Фуқаролик кодекснинг 284-моддасига мувофиқ, гаровға қўйилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи универсал ворислик тартибида ўтган тақдирда, гаров ҳуқуқи сақланиб қолади ва гаров берувчининг ҳуқуқий вориси унинг ўрнини эгаллаб, гаров берувчи зиммасида бўлган барча мажбуриятларни бажаради, агар гаров олувчи билан бошқача келишув мавжуд бўлмаса. Бошқача айтганда, гаров ҳуқуқи ашёға эргашиб ўтади⁷.

Шунингдек, фуқароға тегишли бўлган интеллектуал фаолият натижасига ёки индивидуаллаштириш воситасига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар ҳам мерос тартибида ўтади, бу интеллектуал мулкнинг алоҳида объектларига оид махсус қонунларда мустаҳкамланган.

Тўртинчидан, қонунға кўра, мерос мол-мулкининг марҳумдан бошқа шахсларға ўтиши бир вақтнинг ўзида амалға оширилади. Бу ҳолат мероснинг амалда қабул қилинган вақтиға ёки давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этиладиган ҳуқуқларнинг рўйхатдан ўтказилган вақтиға боғлиқ эмас (ФКнинг 1145-моддаси).

⁶ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. 3-Том. – Тошкент: 2013. – 500 б.

⁷ Наследственное право: учебник для магистров / М. С. Абраменков, П. В. Чугунов; отв. ред. В. А. Белов. – М.: Издательство Юрайт, 2013. – 93 с.

Меросга бўлган ҳуқуқни ҳуқуқий ворисликнинг умумий тартибидан истиснолар фақат ФК билан белгиланиши мумкин бўлиб, ФКда бундай нормалар кам учрамайди. Аксарият ҳолларда мазкур истиснолар мерос тартибида ўтаётган мол-мулкнинг асосий хусусиятларидан бири – унинг ўзгаришсизлигига дахл қилади.

Жумладан, ФКнинг 1113-моддаси иккинчи қисмига кўра “мерос қолдирувчининг юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларга аъзолиги, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса мерос таркибига кирмайди”.

Бироқ агар Фуқаролик кодекси, бошқа қонун ҳужжатлари ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига кўра меросхўрнинг ушбу юридик шахсда иштирок этиши бошқа иштирокчиларнинг розилигини олиш шарти билан боғлиқ бўлса ва бундай розилик берилмаса, меросхўр иштирокчи сифатида кириш ҳуқуқини эмас, балки компенсация олиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу компенсация улуш (пай) қиймати миқдорида ёки бошқа мол-мулк шаклида берилиши мумкин.

ФКда бевосита назарда тутилган бундай истисноларга қуйидаги қоидаларни мисол қилиш мумкин.

Хусусан, “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига кўра, тўлиқ шериклик иштирокчиси вафот этган тақдирда, унинг меросхўри тўлиқ шерикликка фақат қолган иштирокчиларнинг розилиги билан кириши мумкин. Агар улар бундай розиликни бермаса, меросхўр компенсация талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади, уни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби эса “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонун нормалари билан белгиланади.

Шунингдек, “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасида белгиланишича, масъулияти чекланган жамият иштирокчисининг улуши унинг меросхўрларига ўтади, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида бундай ўтиш учун қолган иштирокчиларнинг розилиги талаб қилиниши назарда тутилмаган бўлса. Агар иштирокчилар меросхўрнинг жамият аъзолари сафида қатнашишига рози бўлмаса, у ҳам компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кўриниб турибдики, бундай ҳолларда мерос таркибига кирувчи мол-мулк мазмун жиҳатидан ўзгаришга учрайди: марҳум юридик шахсда иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган бўлса, унинг ҳуқуқий вориси қонун билан белгиланган айрим ҳолларда фақат мулкий компенсацияга бўлган талаб ҳуқуқини қўлга киритади.

Мерос қолдириш икки асосга кўра амалга оширилади: васиятнома бўйича ва қонун бўйича. Уларнинг ўзаро нисбати қонун чиқарувчи томонидан шундай

шакллантирилганки, қонун бўйича мерос қолдириш фақат васиятнома мавжуд бўлмаган ёки у билан ўзгартирилмаган ҳолларда, шунингдек, Фуқаролик кодексида бевосита кўрсатилган бошқа ҳолларда қўлланилади (ФКнинг 1112-моддаси).

Аввалги ҳуқуқий тартибга солиш билан солиштирилганда, ФКда васиятнома мерос қолдиришнинг биринчи ва устувор асоси сифатида кўрсатилган. Бу ҳолат қонун чиқарувчининг принципиал позициясини – яъни шахснинг ўз мол-мулкини вафотидан кейин тақдири юзасидан мустақил равишда тасарруф этиш иродасига сўзсиз устуворлик беришини ифодалайди.

ХУЛОСА

Шу билан бирга, мерос қолдириш асосларининг ўзаро нисбатини таҳлил қилар эканмиз, бир қатор муҳим жиҳатларни инобатга олиш лозим. Биринчидан, уларнинг номланиши маълум маънода шартли бўлиб, миллий фуқаролик ҳуқуқи анъаналарига таянади. “Васиятнома бўйича ворислик” ва “қо”нун бўйича ворислик” тушунчалари орқали биз биринчи ҳолатда марҳумнинг қонун билан белгиланган шакл, мазмун ва чегараларда ифодаланган иродасига мувофиқ тақсимлашни, иккинчи ҳолатда эса фақат мерос ҳуқуқи нормаларига асосланган ворисликни назарда тутамиз.

Шу маънода, васиятнома бўйича ворисликда фуқаролик қонунчилигининг барча қоидалари тўлиқ равишда васият қилувчининг иродаси олдида “чекка чиқиб қолади”, деган фикр нотўғри бўлади. Шу сабабли, мерос қолдириш асосларини васиятномасиз мерос қолдириш ва васиятнома асосида мерос қолдириш тарзида фарқлаш илмий жиҳатдан мақбулроқдир.

Иккинчидан, ворислик асослари ўзаро мутлақо истисно қилувчи хусусиятга эга эмас. Марҳумнинг мол-мулки айтилган вақтнинг ўзида ҳам қонун бўйича, ҳам васиятнома бўйича, шунингдек, айрим ҳолларда васиятномага қарамай қонун асосида ўтиши мумкин. Масалан, агар васиятнома марҳумнинг барча мол-мулкини эмас, балки унинг фақат бир қисмини қамраб олса, қолган қисми қонун бўйича мерос қилинади.

Васиятномага зид равишда мерос қолдириш, хусусан, васиятнома ҳақиқий эмас деб топилганида, ёки унинг мазмуни мажбурий улуш тўғрисидаги қоидаларни бузган ҳолларда юз беради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мухаммедов Р. Мерос ҳуқуқ. – Тошкент: 1997. – 12 б.

2. Шомухамедова З.Ш. Проблемы развития наследственного законодательства Республики Узбекистан: теория и практика: автореф. дис. ... док. юрид. наук. – Ташкент: 2011. – 14 с.
3. Курганова Ф.А. Гражданско-правовые режимы наследования по законодательству Республики Узбекистан: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: 2007. – 16 с.
4. Шодманова М.Ф. Меросни эгаллашни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш: юрид. фан. фалс. док (PhD). дис. ... автореф. – Тошкент: 2025. – 11 б.
5. Yuldashev J.I. Vorislik va oila huquqi. Darslik. yuridik fanlar doktori, professor O. Oqyulovning umumiy tahriri ostida. – T.: TDYUI nashriyoti, 2024. – 12 b.
6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. 3-Том. – Тошкент: 2013. – 500 б.
7. Наследственное право: учебник для магистров / М. С. Абраменков, П. В. Чугунов; отв. ред. В. А. Белов. – М.: Издательство Юрайт, 2013. – 93 с.